

Истиқлол айёми муборак!

Qishloq hayoti

2007 YIL 1 Sentyabr, Shanba 107 (7256) - son

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.kishlokhayoti.uz

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan

Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!
Муҳтарам меҳмонлар!
Аваллабор, сиз, азизларимиз, сизлар орқали бутун Ўзбекистон халқини барчамиз учун ҳақиқатан ҳам энг улғу ва энг азиз байрамимиз бўлмиш Ватанимиз Мустақиллигининг 16 йиллиги билан чин қалбимдан табриклаш ва ўзининг чукүр хурмат-эҳтиромини билдиришдан бахтиёрман.

Хурматли юрдошлар!
Шак-шубҳасиз, мустақиллик йилларида қўлга киритган салмоқли ютуқлар барчамизники ва уларни ҳеч ким биздан тортиб ололмайд.

таънчимиз бўлмиш ёшларимизга янада кенг йўл очиб бериш, фарзандларимизни замонавий билим ва тажрибага, ўз мустақил фикрига эга бўлган, маънавий юксак қомил инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг жамиятимизда мустақам ва муносиб жой олиши йўлида зарур шарт-шароитларни яратиб бериш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Истиқлолимизнинг 16 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди

Мустақиллик — овоз ва обод Ватанимиз ҳар бир фарзанди ўзигини, ўз қадр-қиммати, орномуси ва гурурини тереан англаши учун чексиз ва буюк имконият.

Президент Ислам Каримов минбарга тақлиф этилади.
Давлатимиз раҳбари Мустақиллигимизнинг ўн олти йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этади.

Ўн олти йил тарих мезонлари билан ўлчанганда гоёт қисқа бир муддат эканини барчамиз яхши англаймиз. Бироқ биз учун том маънода янгилаш ва юксалиш босқичи бўлган бу даврни ойлари ва йиллари билан эмас, балки амалга оширган ишхотларимиз самараси, бунёдкорлик ишларимиз салмоғи, қўлга киритган юксак марралар билан ўлчайдиган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, бу йиллар билан бизнинг чиндан ҳам ўн, керак бўлса, юз йилларга тенг бўлиши мумкин.

Ўн олти йил тарих мезонлари билан ўлчанганда гоёт қисқа бир муддат эканини барчамиз яхши англаймиз. Бироқ биз учун том маънода янгилаш ва юксалиш босқичи бўлган бу даврни ойлари ва йиллари билан эмас, балки амалга оширган ишхотларимиз самараси, бунёдкорлик ишларимиз салмоғи, қўлга киритган юксак марралар билан ўлчайдиган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, бу йиллар билан бизнинг чиндан ҳам ўн, керак бўлса, юз йилларга тенг бўлиши мумкин.

Бугунги кунда эл-юртимизнинг ана шундай азалий фазилатлари, ёрдам ва қўмакка муҳтож бўлганларни қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилган олижаноб ва савобли ишларимиз "Ижтимоий Ҳимоя йили" бўйича қабул қилинган давлат дастуридега ўзининг яққол амалий ифодасини топаётгани барчамизни қувонтиради.

Мустақиллик — овоз ва обод Ватанимиз ҳар бир фарзанди ўзигини, ўз қадр-қиммати, орномуси ва гурурини тереан англаши учун чексиз ва буюк имконият.

Президент Ислам Каримов минбарга тақлиф этилади.
Давлатимиз раҳбари Мустақиллигимизнинг ўн олти йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этади.

Аждодлар хотираси — муқаддас

Эл-юртимиз озодлиги йўлида жон фидо қилган болаларимизни Мустақиллик байрами олдидан яна бир бор эслаш, уларнинг муборак руҳларини шод этиш барчамизнинг инсоний, фарзандлик бурчимиздир. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда 31 август Катагон қўрбонларини ёд этиш кўни сифатида кенг нишонланишида ҳам ана шундай эзгу мақсадлар мумкин.

Музей экспонатларини қўздан кечирган давлатимиз раҳбари музей фаолиятини ҳам шаклан, ҳам мазмунан кенгайтириш, янада тақомиллаштириш юзасидан зарур тавсиялар берди.

Музей экспонатларини қўздан кечирган давлатимиз раҳбари музей фаолиятини ҳам шаклан, ҳам мазмунан кенгайтириш, янада тақомиллаштириш юзасидан зарур тавсиялар берди.

Самимий қўтловлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислам Абдуғаниевич, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганнинг ўн олти йиллиги муносабати билан самимий қўтловларни қабул қилгайсиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислам Абдуғаниевич, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинган кўннинг 16 йиллиги муносабати билан Сизга ва Сиз орқали Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқига Хитой ҳукумати ва халқи номидан ҳамда шахсан ўз номидан қизгин қўтловлар ва энг эзгу тилаклар йўлламан.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Мустақиллик кўни муносабати билан Сизга, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига қизгин қўтловларимни йўллаш менга гоёт катта мамнуният бахш этади.

Навий вилояти марказидан икки юз чакиримча юргангиздан сўнг ўнг тарафда адириклар эстагида Айдаркўл чайқалиб ётади. Куз ва қиш ойларида кўл шунчалик кенгайиб кетадики, гўё денгизни эслатади. Обиҳаёт узра турли хил қушлар гулжон ўйнайди. Чап томонда эса туянинг ўрқачини эслатувчи қум барханлари билан қопланган адоксиз Қизилқум саҳроси ястанган. Кўл ёқасидаги сўқмоқ йўлдан борар эканмиз, гир-гир эсаятган шабадада саксовул шоҳлари, денгиз тўлиқиндек охишта чайқалади.

Абай наслчилик ширкат ҳўжалигининг бир томони Қизилқум, Сарибел, Қизилча йилловлари билан туташиб кетса, бир учи қозогистонлик чўпонларнинг манзилларига бориб уланади. Бу гушанинг табиати гўзал, бетакрор. Қўқлам чоғи кўл, унинг ёнбағирлари ям-яшил гилам тўшалгандай яшнаб кетади. Қўмтепаллар эса алвон долақизгалдоқлар, турфа

ундан жудаюм кўрқади. Хуллас, чўпон ўзининг топқирлиги билан жонини сақлаб қолган ва у бир умр чўл арчаси – саксовулни эъзозлаб ўтган экан.

Бу ибратли ҳикоя ажиб бир таассурот уйғотади кишида.

Олимларнинг таъкидлашича, ҳар гектар саксовулзор бир кеча-кундузда тонна-тонналаб қум барханларини кўчишдан асраб қолади. Бундан катта майдонларни эгаллаган саксовулзорларнинг инсон саломатлиги учун нечоғли муҳимлиги ўз-ўзидан аён бўлади. Лекин кейинги йилларда чўл ўтлоқларининг ўзлаштирилиши, саксовул, черкез, қандим, терексен, шувок турлари ва бошқа ўсимликлар маҳаллий аҳоли, чўпонлар томонидан ёқилги сифатида ишлатили-

да жойлашган. Бу ерда 70 хонадон истиқомат қилади.

Айдар соҳилларида узоқ йиллардан бери сурув боқайтган бир гуруҳ чўпон-чўликлар билан дилдан гурунлашдик.

– Кимсасиз чўлу биёбонда қўй ортидан узуу-кун юриш зериқарли эмасми, ишқилиб?

– Муҳбир ука, шу чорва билан тирикчимиз. Ота-боболаримиз учун мана шу бағри кенг яйловлар эъзозли бўлган. Шу сабаб кўнгил узиб, ҳеч қаерга кетолмаймиз.

– Қиш-қировли, совуқ кунларда уйдаги, мактабдаги пенчалар қандай қилиб иситилади?

– Биласизми, биз яшаётган ҳудуд қаҳратонда кўт совуғини эслатади. Шу

Саксовулзор меҳрга зор бўлмасин!



Мулоҳаза
ёхуд бу ноёб ўсимликнинг ажайиб хусусиятлари ҳақида

сабаб ота-боболаримиздан қолган усул, яъни саксовул ўтинидан фойдаланамиз. Уни икки мартаба ёқиб ишлатиш мумкин. Қолаверса арзон.

– Бир машина саксовул қанча туради?
– Бир машина саксовулни ўтган йили 60-70 мингга сотиб олгандик: у билан қишдан бемалол чиқдик, – дейди ферма мудири.

– Қумричи, кўмир ҳам келтириладими?
– Йўқ, – дейди улардан бири. – Яна нотўғри айтиб, ширкат раиси олдида изза бўлиб қолмайманми, – дея шеригига юзланди.

– Уни яқин орада бу ерга келтиришганини эслолмайман.
Биз суҳбатлашган чўпонларнинг барчасига кўмир келтирилмаган бўлса, нур устига аъло нур бўлишини тилга олишди.

Шу ўринда кейинги уч-тўрт йилда табиий газ етиб бормаган чекка ҳудудларни ёқилғининг бошқа турлари билан таъминлаш масаласи республика ҳўкуматининг алоҳида диққат-эътиборида бўлиб келаётганлигини таъкидлаш жоиз. Бу борада қоракўнчиликка ихтисослашган ҳўжаликлар қўрғонларини назарда тутиш мақсадга мувофиқ.

Афсуски, "чўл арчаси" деб ном олган саксовул дарахтларини кесиб, уни пуллаётган унарлар ҳозир ҳам ўчраб турибди. Наҳоти улар бетакрор наботот оламини асраб-авайлаш, табиатни, теварак-атрофимизни ўраб турган гўзаллик оламини қадрлаш, лозимлигини, табиий мувозанатни бузиш оғир оқибатларга олиб келишини унуттишган бўлишса...

Улуғбек ЖУМАЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

хил чўл гиёҳлари билан қопланади. Шу кунларда бу ерларда бўлсангиз, адоксиз яйловларда ўтлаб юрган қўй-қўзилар ҳамда йилқилар, туя уюрларига кўзингиз тушади. Бугун "Сахро маликаси" деб таърифланган саксовул ва унинг хусусиятлари ҳақида сўз юритамиз.

– Келаётиб, каттагина ҳудудни ишғол қилган саксовулзорларга кўзимиз тушди. Бу ўсимлик ҳақида нима дея оласиз, – дея Абай номи ҳўжалик раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор Мустафо Эгамқуловга юзландик.

– Саксовулзорлар биринчидан, ҳавони тозаласа, иккинчидан унинг илдизлари қум барханларининг кўчишига йўл қўймайди. Бундан ташқари, ундан ўтин сифатида фойдаланилади. Хуллас саксовулнинг хусусиятлари сөрөб.

Бу ҳикояни отам сўзлаб берган эди. Падали бузуқворим эса бобомдан эшитган экан. Қаҳратон қиш кунларидан бирида Айдаркўл соҳилидаги чўпон отарига қашқир оралабди. Чўпон отига эгичлик билан сапчиб минибди-да, бўрилар ортидан қувиб кетибди. Йиртқичлар эса 5-6 чакирим йўл босганларидан сўнг чўпонни ўраб олишибди. Чўпон бир оз довдираб қолибди ва таваккал қилиб, қўлидаги оловни саксовул ўтинлар ўйилган жойга ташлабди. Бир зумда олов гуриллаб ёнибди. Бундай пайтда қашқирлар ўтга яқинлаша олмади. Сабаби улар

ши иш бөрмоқда.

Саҳрода Қизилқум чўл яйловларининг деврили 10 миллион гектари инсон ёрдамига муҳтождир. Саҳро бағрида ўсувчи жузгун, кўвсуняк, черкез, саксовул илдизлари 15-20 метр теварак-атрофга тармоқланиб, қумларни шамоллар таъсирида кўчишдан сақлайди. Шунинг учун бу ўсимликлар қўчма қумларни мустаҳкамлаш мақсадида темир йўл ёқаларига экилади. Ташкент-Учкудук-Мискин-Қўнғирот темир йўлидан юрганлар бу манзараларни ўз кўзлари билан кўришган.

... Машина чўл бағрини ўдкесиб ўтган йўлдан физиллаганича манзил томон борарди. Теварак-атрофда бир хил манзара ҳўкмрон: баланд-паст қўмтепалликлар... Гоҳи-гоҳида, "чўл арчалари" – саксовулзорлар кўзга ташланиб қолади.

– Бўям она табиатнинг бир инъомида, – дейди ҳамроҳларимиздан бири. – Фақат уни авайлаб-асрашимиз, келгуси авлодларга буст-бутунлигича, асл ҳолида етказишимиз зарур. Бунинг учун аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бориш керак.

Суҳбат билан бўлиб "Қизилча" наслчилик ҳўжалигининг 2-фермасига етиб келганимизни ҳам билмай қолибмиз.

Илҳом Нурмуродов мудирик қилаётган мазкур ферма ширкат марказидан 20 чакирим олисда, яъни Айдаркўл соҳили-

ҚУТЛАЙМИЗ!

Озодлик айёми муборак бўлсин! Халқимиз аҳимлигига кўз тегмасин! Маънавиятми халқнинг эртаси доимо нурафшон бўлгай! Ўзбекистонимиз гулаб-яшнасин!

Ўзбекистон ёқилги-энергетика комплекси кимё sanoати ва геология касаба уюшмаси Марказий Кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги вакиллиги

МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!

Ўзбекистон халқини Истиқлолнинг 16 йиллиги билан муборакбод этамиз! Озод ва обод Ватанимизда тинчлик-осойишталик барқарор бўлсин!

Касби туманидаги 7-сон махсус пудрат корхонаси жамоаси.

16 yil

ASUS BAMBANDONILAR!

Сизларни Истиқлолимизнинг 16 йиллиги билан самимий табриклаймиз. Хонадонгизни райз-барака, юртимизни эса тинчлик тарк этмасин. Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Қарши шаҳар ихтисослаштирилган автомобиллар бозори МЧЖ жамоаси

16 YIL

ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР!

Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллиги билан қизғин табриклаймиз! Сизларга мустаҳкам соғлиқ, ишларингизга раванқ, хонадонларингизга қут-барака тилаймиз!

Қарши шаҳар "Буём бозори" жамоаси

Хабарлар

Самарқанд шаҳрида энг улуг, энг азиз байрам – Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги муносабати билан аънавий қишлоқ ҳўжалик махсулотлари савдо ярмаркаси ташкил этилди.

Аҳолига хизмат кўрсатади

Қўчна Самарқанд бағри айни кунларда ҳам тарихий, ҳам замонавий, янги иншоотлар билан тўлмоқда.

Шулардан бири Жомий ва Темир Малик қўчаси кесилмасидаги эски тиббий стоматология маркази ўрнида қурилаётган диагностика поликлиникасидир.

"Саломатлик-2" давлат дастури доирасида қурилаётган мазкур поликлиника "Ўзбекистон-нефтогаз" акциядорлик компаниялари ҳўмийлигида Самарқанд шаҳридаги "Темп" қурилиш корхонаси қурувчилари томонидан бунёд этилаётган.

– Катта-кичик 50 хонадан иборат бу иншоот юқори дид билан қурилетгани билан бизга маъқул бўлмоқда, – дейди поликлиника бош ҳўжамиси Бахтиёр Рустамов. – Насиб бўлса, ушбу поликлиникага 400 миллион сўмлик замонавий тиббиёт жиҳозлари келтирилиб ўрнатилади. Ушбу шифо маскани 116 миңдан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатади.

Мамадрий ЗИЕДИНОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

Самарқанд вилояти

Ўқувчилар мамнун

Касби тумани Қоратепа қишлоғида 570 ўқувчига мўлжалланган 27-мактаб биноси капитал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

7-сон махсус пудрат қурилиш жамоа корхонаси бунёдкорлари бу ишни беш ойда сифатли адо этдилар. 400 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Туманда айни пайтда 55 та мактаб бўлиб, 2 таси капитал, 12 таси жорий таъмирдан чиқарилди. Бу йил биринчи синфга 3264 нафар ўғил-қиз боради.

Хусан ТЕМИРОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

Қашқадарё вилояти.

Лайлақлар осудаюк тимсоли

тган эзгу ишларимизга, осойишта ҳаётимизга ҳеч нарса таҳдид соловмаслигини исботлагандек гўё.

Дарҳақиқат, лайлақларни фаровонлик, тинчлик тимсоли, деб беҳиз айтишмайди. Айниқса, кейинги пайтларда лайлақларнинг мамлакатимизда кўпайиши беҳиз эмас. Чўки лайлақлар қаердаки тинчлик ҳўкмрон бўлса, фаровонлик бўлса ўша ерни макон қилади. Ва улар макон қилган жойда доимо осойишталик бўлади.

– Табиатнинг мўъжизаси бўлмиш бу қушлар бизнинг бу ерларга ободлик, файзу барака олиб келди, – дейди Янғийўлнинг А.Ортиқов қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшайдиган кўпни кўрган 75 ўшли отахон Ҳамид Остонаов. – Шу қушлар келганидан кейин қишлоғимизда жиноятлар кескин камайди, аҳолининг ҳаёти яшилди, дея ярим қилишди бизда. 1980-йилларнинг бошида 2 жуфтти-

на лайлак қишлоғимиздан жудаюм олисга – симёғочга уя қуришди. Бу ердаги шарт-шароит ёқимли ёки уларни ҳеч ким безовта қилмагани маъқул келдимиз, уларнинг ҳозирги кунда 420 оиласи бор. Агар 2-3 тадан боласини қўшсақ э-хе, жудаюм кўпайиб кетишади.

Бу ерлик аҳолининг айтишича, ҳозирги пайтда лайлақлар аҳолига шу қадар эл бўлиб кетишгани, одамлар яшайдиган уларнинг томига ҳам уя қуришни бошлашибди. Хатто, ҳўлиларга ҳам қўнадиغان бўлибди.

– Хар тонг ҳовлига чиққанимда бир жуфт лайлақни қўриб, юрагимда ораниш пайдо бўлади. Хотиржамликни, осудаликни хис қиламан, – дейди онахонлардан бири. – Лайлақларга тош отиш, уларни безовта қилиш мумкин эмаслиги қон-қонимизга шу даражада сингиб кетгани, энг шўх-шаддоо болақай-

лар ҳам уларни тош отиб қўришмайди.

Ҳақиқатан ҳам табиатнинг бу мўъжизакор қушига тажовуз қилиб бўлмайди. Чўки бу ерлик кексаларнинг айтишига қараганда, 1980-йилларнинг охирида фермага бошқа миллатга мансуб кишилар келиб ишлашди. Ва уларнинг иқомтаси лайлақни тутиш мумкинлигини билмасдан, ушлаб ёйишди. Бўни қарангки, ўша иккала одам ҳам турли фалокатлар туфайли ҳалок бўлишди.

Мустақиллик майдонининг эзгулик дарвозасидан ўтар экансиз, виқор

билан элига, юртига бир оёқда турганча омонлик тилаётгандек турган оппоқ нафис қушларга кўзингиз тушади. Лайлақлар фақатгина озод юртга макон қуришни хоҳлайди, эркинликни яқши кўради. Азал-азалдан тонгни қаршилаш халқимизнинг одади. Чўки ҳаёт тонгдан бошланади. Байрам шуқуви кезаётган ушбу кунларда осмонимиз узра отаётган тонгларни қаршилаётган хушбағрчи оппоқ лайлақлар ҳаётимиз бардавонлиги, келажакимиз нурафшонлиги тимсолидир.

Барно СУЛТОНОВА

Ғиждувон Машҳураси

"Қурилиш нимадан бошланади?" деган саволга кўпчилик лойиҳадан, деб жавоб беришга одатланган. Бу фикр асосан тўғри ва мантқиққа таянади: ҳар бир бино ёки иншоот дастлаб, қурувчи-инженернинг лойиҳаларида акс этади, архитекторнинг ватман қозғолаги таъинланган ишчи чизмаларида намоён бўлади.

Биринча чуқур ва кенгрок мушоҳада юритадиган бўлса, нафақат гўзал ва кўркам бино, балки кўзни қувонтирувчи боғ, чўлға оубийёт алтаётган канал ёки то ёнбағридаги фарабхоб оромгоҳинг яратилиши, энг аввало, инсон қўлига дағи орзу ҳавасдан, унинг дилида туғилган эзгу ниятдан бошланади. У бирон-бир жойда кўрган ёхуд ўй-хаёлида шакланган худди шундай мухташам иморат ёки шинам маскан яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Унинг шаклу шайишлини кўз олдига келтириб, бу орзусини рўйга чиқариш фикри хаёли билан яшайди. Шу йўлдаги қийинчилик ва таъшишларни энгиб ўтади. Лойиҳачилар, мезморлар унинг орзу ҳавасларини қозғога туширишади, қурувчилар эса яратувчилик меҳнатлари билан амалга оширишади. Кўнгилда қуртат ёган эзгу ният шу тариха юзага чиқади.

хунар эгаллашига бош-қош бўлаётган Машҳура Юсупова Мексика сериалини кўрганида одамлар хўжати чикарувчи, уларга очик оза билан хизмат кўрсатувчи Марияга ҳаваси



келган бўлса ажаб эмас. У каби чевар бўлишни, замонавий ва хўшбичим кийимлар тикишни, ёшларга гўзаллик сирларини

ўргатишни дилига тукканлиги унинг амалий фаолиятида яққол намоён бўлди. Бугунги кунда Машҳуранинг издошларини мамлакатимизнинг турли худудларида ҳам кўриш мумкин. Унингдек эл-юрт қорига ярашни орзу қилган Замира Сафарова ўзи очган хусусий фирмасига яхши ният билан "Ғиждувон Машҳураси" деб ном қўйганлиги ҳам бежиз эмас. Ушбу масканда тикувчилик, зардўзлик, қандолатчилик, сартарошлик, ҳамширолик, компю-



бўён 15 мингдан зиёд хотин-қиз касб-хунари бўлди. Укув ва амалиёт ишларини бугунги кун талаблари даражасида ташкил этиш замонавий дастхўлардан, ускуналардан фойдаланишни тақозо этди. Уларни сотиб олиш, базиларини хориждан келтириш учун эса салмоқли маблағ талаб қилинарди. Бундай пайтда тадбиркор Замира Сафаровага ўзи миждоз бўлган "Микрокредитбанк"нинг Бухоро вилояти бошқармаси, унинг Ғиждувондаги филиали ақидан кўмак берди. Банкдан уч йил муддатга олинган 20 миллион сўм кредит хисобига Германияда ишлаб чиқарилган "Зингер" тикув машинаси, Туркияда тайёрланган "Малкон" русумли пресс-дазмол, Япониянинг замонавий дастхўи ва бошқа зарур ускуналар сотиб олинди. Банк мадади туфайли фирманing ишлари янада ривожланди. Чунончи, 450 та костум тайёрлаш юзасидан берилган буюртма қисқа муддатда адо этилди. Ушбу банкнинг молиявий

мададидан баҳраманд бўлаётган Замира Сафарова сингари аёл тадбиркорларни қўллаб уқратиш мумкин. Кейинги қисқа муддатнинг ўзида 170 нафардан зиёд тадбиркор аёлга 700 миллион сўмдан ортиқ кредитлар берилиб, уларнинг аксарияти ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилди. Шу боис, 500 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.

— Утган қисқа муддатда 745 та кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига 2,6 миллиард сўм кредитлар берилди. Шу ва бошқа чора-тадбирлар хисобига 2300 дан ортиқ иш ўринлари яратилди, — дейди "Микрокредитбанк"нинг Бухоро вилояти бошқармаси раҳбари Асрор Раҳмонов. — Янгида-янги хизмат турлари жорий этилаётганлиги туфайли миждозларимиз сафи тобора кенгаймоқда. Хуосан, мингдан зиёд фуқаро банкмижда ўзларининг ҳисоб рақамларини очишди. Хўзирги пайтда қарийб ўн мингга яқин миждозга хизмат кўрсатилаяпти. Улар

орасида дехқон ва фермер хўжаликлари, хусусий ҳамда қўшма қорхоналар кўпчилиги ташкил этади. Миждозларга қўлайликлар яратиш мақсадида 7 та филиал ва 13 та минибанк ташкил этилган. Қоровул-бозор, Қорақўл, Олот, Вобкент туманларида банк шохобчалари фаолият кўрсата бошлаганлиги қишлоқ мулкдорлари бўлган фермерлар билан ақидан ҳамкорлик қилиш имкони-ни бермоқда.

Сўхбатдошимиз фермерлар учун зарур шарт-шароитлар яратилаётганлигини таъкидлаб, қўллаб қўллаган келтирди. Чунончи, уларга шу йилнинг ўзида 220 миллион сўм кредит ажратилиб, замонавий техника воситалари олиб берилди.

"Микрокредитбанк"нинг Пешку филиали бошқарувчиси Алишер Шодиев мулоқотимиз чоғида тадбиркорлар импорт ўринди буювчи махсулотлар ишлаб чиқаришга эътиборини қучайтираётганлигини қайд этди. Бундан у "Баҳром-Рисолат-Азиза" хусусий қорхонасини ҳам назарда тутди. Тадбиркор Мардон Омонов банкнинг ушбу филиалидан 10 миллион сўм кредит олиб, кичик қорхонани ишга туширди. Бу ерда илгари хориждан валютага сотиб олинган, тўқимачилик санаети қорхоналарида қалавани ўрашда қўлланладиган пластмасса мослама ва бошқа махсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Латиф Саидов, Отабек Баҳромов, Элдор Раҳмонов, Сарвар Аҳмедов сингари фуқаролар учун мумкин ишлаб, даромад топишлари учун шароит яратилди.

Суннат САЙДАЛИЕВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири,
Бухоро вилояти

Шифобахш неъматлар

Чароснинг ўзига хос хусусияти

Чарос узуми ўртапишар нав бўлиб, юртимизнинг Фарғона, Наманган, Андижон ва Тошкент вилоятларида кенг тарқалган.



Чарос мевалари таркибида 23 фойизга қадар қанд моддаси (глюкоза, фруктоза), органик моддалар 5,5-8 фойизни ташкил қилади. Шунингдек унда маълум даражада оксил, ошловчи моддалар, пектин, флавоноидлар, В₁, В₂, В₃, С, РР витаминлари қармондорилари каротин, маъдан тузларидан калий, темир, кальций, кремний, кобальт, марганец, рубидий, бром, йод, фтор каби унсурлар бор, булар чароснинг шифобахшлик хосиятларидан дарак беради.

Халқ таботати амалиётида узум билан қовуқ, буйрак, жигар, юрак, меъда-ичак йўли касалликлари даволанади. Ут ва пешоб хайдаш хусусиятига эга. Узум кишининг семиршишга мойиллик яратди, узум одам танасида модда алмашинувни яхшилади, балғам қўчиришга ёрдам беради. Чарос таркибидаги темир, кобальт каби унсурлар камқонлик балосига йўлққан кишиларга дармон бағишлади, тетиклаштиради. Чунки бу маъданий моддалар илдиқ қон пайдо бўлишида омиқорлик қилади. Шу боисдан ҳам ўпка силлининг бошланғич босқичларида узум истеъмол этилиши таъсия этилади. Узум ичми бир марода сақлаб қабзиятдан халос этади, бавосилга даволлик қилади, узум шарбати эса пешоб йўлидаги тош қаллигига даво бўлади. У тошларни нуратишда қўлмай маълум даражада касал тарқатувчи бактерияларга қирон келтириш хусусиятига ҳам эга.

Чаросдан шинни қилинса, унинг шифобахшлик хусусияти узагача бўлади. Шинни одамнинг илгини "тўқ" қилади. Айни салкин тушган пайтларда, шиннидан истеъмол қилиб турилган бўлса, юкумли касалликларга нисбатан аъзоларнинг қурашувчанлиги қобилиятини оширади, хомилдор аёлларга дармон, камқонликка мадад бўлиши табиий. Чарос узумидан тайёрланган сирка иштаха очади, таомларнинг хазм бўлишини оsonлаштиради, хафаконда босимни пасайишига мойиллик яратди.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос.

СПОРТ

"Қурувчи" ҳомийлик кўрсатди

Яқинда **Ўзбекистон чемпионати Олий лигасининг янги вакили "Қурувчи" футбол клуби Тошкент шаҳрида жойлашган 23-сонли Мехрибонлик уйига ҳомийлик ёрдамлари кўрсатди.**

Шунингдек, кичик футбол турнири ўтказилди. Мустақиллигимиз 16 йиллик байрамига бағишланган мазкур турнир ва ҳомийлик совғалари меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларида катта таассурот қолдирди. "Қурувчи" жамоаси тақдим этган кийим-кечаклар, спорт анжонлари ва бошқа турли хил совғалар болалар қувончига қувонч қўшди.

Тадбир аввалида Мехрибонлик уйи ҳовлисида "Қурувчи" клуби раҳбарлари томонидан барпо этилган кичик майдоннинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда тўртта жамоа голиблик учун баҳс олиб боришди. Мусобақа якунига қўра, "Кичик Қурувчи" жамоаси голиб, деб топилди.

Тадбир аввалида Мехрибонлик уйи ҳовлисида "Қурувчи" клуби раҳбарлари томонидан барпо этилган кичик майдоннинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда тўртта жамоа голиблик учун баҳс олиб боришди. Мусобақа якунига қўра, "Кичик Қурувчи" жамоаси голиб, деб топилди.

"Динамо"га осон бўлмайд

Кунни кеча **Европа Чемпионлар лигасининг 2007-2008 гуруҳ баҳсларига қўра ташланди. Унга қўра ҳамюртимиз Максим Шацкич тўп сураётган Украинанинг "Динамо" жамоаси "F" гуруҳидан жой олди.**

"Динамо"га бу гуруҳда қийин бўлади. Чунки, Англия чемпиони "Манчестер Юнайтед" гуруҳ фаворити бўлса, иккинчи йўлланмага "Рома" давоғарлик қўлини қўтирмақда. Учинчи рақиб эса Португаланинг "Спортинг" жамоаси хисобланади.

Қолган гуруҳларда қуйдаги жамоалар қураш олиб боради:

"А" гуруҳи: "Ливерпуль" (Англия), "Порту" (Португалия), "Марсель" (Франция), "Бешик-

- тош" (Туркия);
- "В" гуруҳи: "Челси" (Англия), "Валенсия" (Испания), "Шальке-04" (Германия), "Русенборн" (Норвегия);
- "С" гуруҳи: "Реал" (Испания), "Вердер" (Германия), "Лацио" (Италия), "Олимпикос" (Греция);
- "D" гуруҳи: "Милан" (Италия), "Бенфика" (Португалия), "Селтик" (Шотландия), "Шахтёр" (Украина);
- "E" гуруҳи: "Барселона" (Испания), "Лион" (Франция), "Штутгарт" (Германия), "Рейнджерс" (Шотландия);
- "G" гуруҳи: "Интер" (Италия), "ПСВ Эйндховен" (Голландия), ЦСКА (Россия), "Фенербахче" (Туркия);
- "H" гуруҳи: "Арсенал" (Англия), "Севилья" (Испания)/АЕК (Греция), "Стяуа" (Руминия), "Славия" (Чехия)

Давиденко кейинги босқичда

Америка Қўшма Штатларида давом этаётган теннис бўйича **"US Open" мусобақаси рус спортчиси Николай Давиденко учун хозирча омад келтиряпти.**

Турнирда 4-ракам остида қайд этилган Николай Германиянинг энг қучли теннисчиси Николас Кифер билан 2-босқичдаёқ дуч келди. Бироқ кўпчилик учун қизқарли ўтиши қўтилган учрашувда германиялик спортчи оддий вазиётларда ҳам рақибига очколар тақдим этди. Натихада, Давиденко кетма-кет уч сетни бир хил хисоб билан ўз фойдасига хал қилди - 6:2, 6:2.

Учинчи босқичда испаниялик Николас Альмагро билан қуч синашадиган Давиденко мазкур жуфтликнинг фаворити хисобланмоқда. Альмагро ўш спортчи бўлиб, бундай йирик мусобақаларда илк бор иштирок этмоқда.

"US Open" мусобақасининг аёллар баҳсида ҳам бир қатор қизқарли учрашувлар ўтказилаяпти. Хусусан, Россия шарафини ҳимоя қилаётган бир қатор аёллар ўз муқдирларини хўрсанд қилишмоқда.

Утган йилги мусобақа голиби Мария Шарапова иккинчи босқичда австралиялик теннисчи Кейси Деллакка билан қуч синишиб, 6:1, 6:0 натижасини қайд этди. Энди навбатдаги босқичга, яъни 1/8 финалга чиқиш учун Мария Агнешка Радванскани мағлуб этиши лозим. Шунингдек, учинчи босқичга Ана Чакветадзе, Светлана Кузнецова ва Надежда Петрова йўл олди.

Суннатилла ИСЛОМОВ

Кўшиқча текшириш белгиланган

Тахририятимизга **Жиззах вилояти Дўстлик шаҳрида яшовчи Д.Пармоновдан шикоят-ариза келган эди. Унда ўзаро оилавий келишмовчиликлар байн қилинганди.**

Тахририят ушбу хатни текшириб, тегишли чора-тадбирларни кўриш учун **Жиззах вилояти прокуратурасига юборганди. Яқинда Дўстлик тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси Ш.Турдибеков имзоси билан жавоб хат олинди. Унда, жумладан шундай дейилади:**

"Туман прокуратураси томонидан фуқаро Д.Пармоновнинг 2007 йил 23 февраль кунни соат 20:30 лар атрофида уйига турмуш ўртоғи Суярова Шеробўннинг опалари Суярова Зайнаб, Суярова Зумрад, Суярова Омонгул, Суярова Майрам ҳамда унинг ўғли Суяров Жаҳонгир келишиб, уни уйиб, тан жароҳати етказиб, уйда бўлган бир дон "Самсунг" русумли рағли телевизорни ҳамда тилла тақинчқорларини олиб кетишганлиги ҳақида "Қишлоқ ҳаёти" газетаси тахририятига ёзган аризаси ўрганлиди.

Мазкур ҳолат юзасидан туман ИИБ ХООГ инспектори катта лейтенант Т.Алимов томонидан суриштирув ишлари олиб борилиб, 2007 йил 3 март кунни текшириш натижасига қўра, фуқаролар Суярова Зайнаб, Суярова Зумрад, Суярова Омонгул, Суярова Майрам ҳамда Суяров Жаҳонгирнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари аниқлан-



Ҳикматлар

Йоханн Вольфганг Гёте

Хўрсандчилик билан ишга киришган ва қилган ишидан мамнун бўладиган одам бахтиёрдир.

Тартиб вақтни тежашга ўргатади.

Энг катта қийинчиликлар биз уларни қутмаган жойда пайдо бўлади.

Энг қулгили хоҳиш - бу барчага ёқиб истаги.

Ҳеч нарса йўқотмайдиган одам бўлиш - ўта даҳшатлидир.

Мирзаали АКБАРОВ таржимаси.

Автотранспорт - кредит ва лизингга!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ВАЖНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ - AVTODOM PLUS

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тонналик юк машиналари, 3-7 ўринлиқ, 0,8 тонна юк қўтарадиган фургонлар, 6-15 ўринлиқ микроавтобусларни сотади.

Ҳақ тўлаш истаган усудда!

Махсулотлар сертификатланган

700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-уй.
Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94.
E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Бош муҳаррир
Чори ЛАТИПОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Саид АХМАД, Уктам БАРНОЕВ, Агитай АДИЛОВ, Уткир РАҲМАТ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Фахриддин КАЛОҶОН (Масъул котиб), Комилжон МАМАЖОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Агрисаноат комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона - 136-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-56-25, Котибхона - 133-95-17, Рекламага ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-09-93.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон - 8-374-22-234-08; Бухоро - 8-365-54-20-518; Наманган - 8-436-22-60-525; Самарканд - 8-369-41-234-23; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарканд - 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-37-23-813; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-765-42.

Реклама ва эълонлар матни учун буортмачи жавобгар
-тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй